

Аллоҳдан тақво қилинглр

21:10 / 02.01.2018 2755

Абу Умома Судай ибн Ажлон ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажжатул вадодда қуйидагича хутба қилганларини эшитдим: **«Аллоҳдан тақво қилинглр. Беш вақт намозни адо қилинглр. Рўза ойининг рўзасини тутинглр. Молларингиз закотини беринглр. Амирларингизга итоат қилинглр. Шунда Раббиларингиз жаннатига кирасизлар».**

Имом Термизий намоз китобининг охирида ривоят қилиб, уни ҳасан ва саҳиҳ ҳадис, дедилар.